

**ТАНЛОВЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ВА ЎТКАЗИШДА**  
**ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ИШ ТАРТИБИ**  
**(РЕГЛАМЕНТИ)**

**1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1.1. Танлов ҳайъатининг иш тартиби Ўзбекистон Республикаси “Давлат харидлари тўғрисида”ги Конунининг3-боб 19-20моддалари, 4-боб, 26-27-28-29-30-31-32-моддалари талаблари асосида ишлаб чиқилган бўлиб, танлов комиссиясининг танловни ташкил этиш ва ўтказиш жараёнида олиб борадиган иш тартиби, функциялари, ҳукук ва мажбуриятларини белгилайди.

1.2. Мазкур иш тартиби (кейинчалик регламент) тавсия хусусиятига эга, танловларнинг предметидан катый назар, танлов ҳайъати томонидан ўзгартиришлар киритилиши ва белгиланган тартибда буюртмачи томонидан тасдикланиши мумкин.

1.3. Танлов ҳайъати, танловларнинг бевосита иштирокчиси бўлган ҳолда (танловларни ўтказиш жараёнида доимий орган), буюртмачининг буйргу ёки бошка фармойини берувчи хужжати билан тузилади ва танловларнинг тартиботнга доир масалаларни кўриб чикишга, муҳокама этиб тасдиклашга хукуклидир.

**2. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ИШ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**19-модда. Давлат буюртмачилари**

Ушбу Конун максадлари учун давлат буюртмачилари деганда куйидагилар тушунилади:

**1) бюджет буюртмачилари:**

давлат органлари ва муассасалари;

бюджет ташкилотлари;

харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш учун йўналтириладиган бюджет маблағларини олувчилар;

давлат мақсадли жамғармалари;

бюджет ташкилотларида ташкил этилган бошка жамғармалар;

**2) корпоратив буюртмачилар:**

давлат корхоналари;

устав фондода (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва undan ортиқ бўлган юридик шахслар;

устав фондода (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди иккинчи ва учиничи хатбошиларида

кўрсатилган ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва undan ортиқ бўлган юридик шахслар;

устав фондода (устав капиталида) ушбу модданинг 2-банди тўртинчи хатбошида кўрсатилган

ташкилотларнинг улуши жами 50 фоиз ва undan ортиқ бўлган юридик шахслар.

Корпоратив буюртмачилар рўйхати Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги томонидан юритилади ва ахборот алмашинуви орқали махсус ахборот порталида шакллантирилади.

**Давлат буюртмачиси:**

мустакил равища ёки ихтисослашган ташкилотни жалб этган ҳолда товарнинг (ишнинг, хизматнинг) бошлангич нархини белгилаш, бундан қонунчиликда белгиланган ҳоллар мустасно;

давлат харидларини амалга оширишда ўз расмий веб-сайтига ёки ўзининг юкори турувчи органи расмий веб-сайтига, шунингдек оммавий ахборот воситаларига эълон жойлаштириш;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларидан энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни ўтказиша давлат харидлари тўғрисидаги шартнома (бундан буён матнда шартнома деб юритилади) тузиш ва (ёки) шартнома мажбуриятларини бажариш бўйича мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган закалат ёки банк кафолатини киритишни талаб қилиш;

харид қилиш тартиб-таомилларининг барча иштирокчиларига татбиқ этиладиган таклифларни тақдим этиш муддатларини узайтириш;

конунчиликда назарда тутилган холларда харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчилари таклифларининг амал қилиш муддатини муайян даврга узайтириш тўғрисидаги таклиф билан уларга мурожаат қилиш хукукига эга.

Давлат буюртмачиси конунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошка хукукларга хам эга бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачиси:

давлат харидларини режалаштириши;

ушбу Конунга мувофиқ харид қилиш тартиб-таомили турини танлаш тўғрисида карор кабул қилиши;

конунчиликда белгиланган тартибда давлат харидларини амалга ошириши;

давлат харидлари тўғрисидаги ахборотни конунчиликда белгиланган тартибда ва муддатларда маҳсус ахборот порталига жойлаштириши;

харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг товарлар (ишлар, хизматлар) ва давлат харидларининг тартиб-таомиллари билан боғлиқ сўровлари бўйича уларга конунчиликка мувофиқ тушунтиришлар берини;

харид қилиш тартиб-таомилларининг голиб деб топилган иштирокчилари билан шартномалар тузиши, шунингдек уларнинг ижро этилишини таъминлаши;

давлат харидларини амалга оширишда аффилланганлик тўғрисидаги ахборотни тақдим этиши;

бўлажак давлат харидлари тўғрисидаги эълонларни факат молиялаштириш манбалари ва миқдорлари мавжудлиги тасдиқланган тақдирдагина маҳсус ахборот портали орқали давлат харидларининг электрон тизимига ва оммавий ахборот воситаларига жойлаштириши шарт.

Корпоратив буюртмачилар ўзи амалга оширган давлат харидлари тўғрисида ваколатли органга ҳар чоракда ахборот тақдим этади.

Давлат буюртмачисининг зиммасида конунчиликка ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошка мажбуриятлар хам бўлиши мумкин.

Давлат буюртмачисининг давлат харидлари тўғрисидаги конунчиликда назарда тутилган тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш учун масъул бўлган давлат буюртмачисининг таркибий бўлинмалари ёки алоҳида ходимлари томонидан амалга оширилиши керак.

## 20-модда. Харид комиссияси

Харид комиссияси харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказиш чоғида давлат буюртмачиси томонидан шакллантириладиган, ушбу тартиб-таомилларни ўтказиш тартибида шакллантирилиши талаб этиладиган коллегиал органдир.

Харид комиссияси ишининг асосий мақсади харид қилиш тартиб-таомиллари иштирокчиларининг таклифларини буюртмага мувофиқлик даражаси бўйича холис баҳолашдан ва тартибга солишдан хамда давлат харидлари рақобатлашув усуслари орқали амалга оширилганда ғолибни (ғолибларни) танлашдан иборат.

Харид комиссияси давлат буюртмачиси хузурида фаолият кўрсатадиган, давлат буюртмачисининг тегишли қарорлари билан шакллантириладиган ва тарқатиб юбориладиган органдир.

Харид комиссияси тоқ сонли аъзолардан иборат бўлади, унинг аъзолари таркиби ва сони харид қилиш тартиб-таомилининг турига боғлиқ бўлади хамда конунчиликка мувофиқ ва олинаётган товарнинг (ишнинг, хизматнинг) хусусиятлари инобатга олинган ҳолда ўзгартирилиши мумкин.

Харид комиссияси аъзолари холис бўлиши ва харид қилиш тартиб-таомили ғолибини танлашдан шахсан манфаатдор бўлмаслиги керак.

Харид комиссиясининг ишига раис раҳбарлик қиласи, у харид комиссияси мажлисларини чакиради ва олиб боради, овозга кўйишни ва харид комиссияси томонидан кабул қилинган қарорларни эълон қиласи, шунингдек харид комиссияси мажлисларининг баённомаларини имзолайди. Харид комиссияси раиси йўклигига унинг вазифаларини ўринбосари бажаради.

Харид комиссиясининг тезкор фаолиятини унинг овоз бериш хукукига эга бўлмаган масъул котиби ташкил этади.

Харид комиссиясининг ҳар бир аъзоси овоз беришда ёқлаб овоз бериши, қарши овоз бериши ёки унда иштирок этишдан бош тортиши мумкин. Харид комиссиясининг раиси овоз беришда иштирок этишдан бош тортиш хукукига эга эмас.

Харид комиссиясининг мажлислари харид комиссияси аъзолари ҳозирлигига юзма-юз ўтказилади. Юзма-юз мажлислар видеоконференциялар (телефонференциялар ва ҳоказо) шаклида ўтказилиши мумкин.

Харид комиссияси энг яхши таклифларни танлашни ва тендерни электрон шаклида ўтказиш чоғида ахборот-коммуникация технологиялари воситаларидан фойдаланган ҳолда масофадан турив овоз бериш хукукига эга.

Харид комиссияси давлат харидларининг предметидан келиб чиқкан ҳолда, ўз фаолиятини амалга ошириш учун экспертларни, шунингдек бошка манфаатдор вазирликлар, идоралар ва давлат буюртмачисининг юқори турувчи ташкилоти мутахассисларини жалб этиш мумкин.

Ваколатли орган вакилини бошка давлат буюртмачисининг харид комиссияси таркибига киритишга йўл қўйилмайди.

Харид комиссияси тўғри шакллантирилиши учун давлат буюртмачиси масъулдир.

**Харид комиссияси карори харид комиссияси аъзолари умумий сонининг кўпчилик овози билан кабул килинади.**

**Овозлар тенг бўлиб колган тақлирда харид комиссияси раисининг овози хал килувчи овоз бўлади.**

**Харид комиссияси аъзоларида харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчилари билан аффилланганлик хусусиятига эга алокалар мавжуд бўлган тақлирда, харид комиссиясининг бундай аъзоси бу масала кўриб чиқилган мажлиса ўзини ўзи рал этиши ва мазкур масала бўйича овоз беришда иштирок этмаслиги керак, бу хакла харид комиссияси мажлисининг баённомасида кайд этилади.**

**Агар харид комиссиясига мазкур комиссия аъзосининг аффилланганлиги мавжудлиги тегишли масала юзасидан карор кабул килингунинг калар маълум бўлиб колган бўлса, унинг ўзи эса ўзини ўзи рад этмаган бўлса, бундай аъзонинг мазкур масала бўйича овоз бернишга йўл кўйилмайди.**

**Агар харид комиссиясига тегишли масала бўйича овоз берган мазкур комиссия аъзосининг аффилланганлиги мавжудлиги карор кабул килинганидан кейин маълум бўлиб колган бўлса, бундай аъзонинг овози мазкур масала бўйича овоз берниш натижаларидан чиқариб ташланади.**

**Харид комиссияси кўйидаги вазифаларни бажаради:**  
харид килиш ҳужжатларини келишади;  
таклифлар кабул килиш муддатларини белгилайди;  
таклифларни очиш тартиб-таомилларини белгилайди;  
таклифларни баҳолаш мезонларини ва усусларини белгилайди;  
зарур бўлганда таклиф киритиш тартибини, хажмини ва уни таъминлаш шаклини белгилайди;  
харид килиш тартиб-таомили иштирокчиларининг таклифларини очишни амалга оширади;  
дастлабки малака танловини ўtkазади, агар харид килиш ҳужжатлари шартларида бу назарда тутилган бўлса;  
зарур бўлганда дастлабки малака танлови натижаларини хисобга олган холда карор кабул килади;  
зарур бўлганда баҳолаш гурухини ташкил этиш тўғрисида карор кабул килади;  
харид килиш тартиб-таомилларини ушбу Қонунга мувофиқ амалга оширади;  
харид килиш тартиб-таомилларининг ракобатлашув турлари голибини ва зарур бўлганда захирадаги голибни белгилайди ёки савдони амалга ошмаган деб топади.

**Харид комиссияси давлат харидлари ижроисини аниклаш тартиб-таомилларининг давлат харидлари тўғрисидаги конунчилик талабларига мувофиқлиги, ўзи кабул килаётган карорларнинг асослилиги ва беғаразлиги учун жавобгар бўлади.**

**Харид комиссияси давлат харидларининг бошқа субъектлари томонидан амалга ошириладиган харакатлар учун жавобгар бўлмайди.**

**Харид комиссияси томонидан ўз ваколати доирасида кабул килинадиган қарорлар давлат буюртмачиси ва харид килиш тартиб-таомиллари иштирокчилари учун мажбурийдир.**

#### **4-боб. Давлат харидлари жараёнига доир умумий талаблар**

##### **26-модда. Давлат харидлари жараёни**

**Давлат харидлари жараёни кўйидаги босқичларни ўз ичига олади:**  
давлат харидларини режалаштириш;  
харид килиш тартиб-таомилларини амалга ошириш;  
шартномани тузиш ва бажариш;  
давлат харидлари мониторинги.

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва карорларига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг Инвестиция дастурига ва бошқа давлат дастурларига киритилган лойихаларни «фойдаланишга тайёр холда топшириши» шартлари асосида «fast-track» усулида (бир вактнинг ўзида лойихалаштириш, харид килиш ва қурилиш ишлари) амалга оширишга йўл кўйилади.**

##### **27-модда. Махсус ахборот портали**

**Махсус ахборот портили ваколатли орган томонидан юритиладиган, давлат харидлари амалга оширилиши тўғрисидаги эълонлар, давлат харидларининг якунлари, иштирокчиларининг тақлифлари хакидаги ахборотни ва конунчиликда назарда тутилган бошқа ахборотни электрон шаклда кўздан кечиришни, шунингдек амалга оширилган электрон давлат харидларин тўғрисида давлат харидлари электрон тизимларининг операторлари томонидан киритиладиган (юбориладиган) ахборотни тўплашни таъминловчи веб-сайтдир (махсус электрон платформа).**

**Махсус ахборот порталаида:**

**давлат харидлари тўғрисидаги ахборотнинг жамоатчилик учун очиқлиги;**  
**давлат харидлари соҳасидаги ахборотни жамлаш, унга ишлов бериш ва таҳлилий хисботни шакллантириш;**

**давлат харидларининг электрон тизимлари ва бошқа ахборот тизимлари билан ҳамкорликни амалга ошириш;**

**харид килиш тартиб-таомилларининг давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли давлат органлари томонидан давлат харидлари субъектларининг ўз вазифаларини ушбу Қонун ва давлат харидлари соҳасидаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари талаблари доирасида амалга ошираётганлиги устидан мониторинг ва назорат ўtkазиш таъминланади.**

**Махсус ахборот порталаида давлат харидларини режалаштириш, харид килиш тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш, давлат харидлари мониторинги ва назоратини ўtkазиш жараёnlари тизимлаштирилади.**

Бюджет буюртмачиларининг давлат харидлари бўйича тўловлари маҳсус ахборот порталида давлат харидларини режалаштириш, харид килиши тартиб-таомилларини амалга ошириш, шартнома тузиш ва улар тўгрисида ахборот жойлаштириш жараёнлари тугаганидан кейин Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Газначилиги томонидан белгиланган тартибда амалга оширилади.

**28-модда. Давлат харидларининг электрон тизими**

Давлат харидлари субъектларининг ҳамкорлигини, электрон давлат харидлари жараённадаги харид қилиш тартиб-таомиллари ўтказилишини таъминлайдиган ташкилий, ахборотга оид ва техник ечимларининг дастурий мажмуи давлат харидларининг электрон тизимиdir.

Давлат харидларининг электрон тизими ваколатли орган томонидан белгиланган талабларга, шу жумладан:

техник параметрларга оид талабларга;

техник ва технологик имкониятларга оид талабларга;

ахборотни ва тегишли маълумотларни сакловчи асбоб-ускуналарининг жойлашиш ерига оид талабларга;

ахборот хавфсизлиги усуллари ва шартларига;

маҳсус ахборот портали ва бошқа ташки ахборот тизимлари билан ҳамкорлик имкониятларига;

харид қилиш тартиб-таомилларини ташкил этиш ва ўтказишга оид талабларга;

давлат харидлари субъектларининг, ваколатли органнинг ва харид қилиш тартиб-таомиллари устидан давлат назоратини амалга оширувчи ваколатли давлат органларининг тизимдан фойдаланиш имкониятларига;

давлат харидлари тўгрисидаги қонунчилик хужжатларига мувофиқ бошқа талабларга мос бўлиши керак.

**29-модда. Давлат харидларини режалаштириш**

Давлат харидларини режалаштириш давлат буюртмачиси томонидан амалга оширилади ва харидларни тизимлаштиришдан, давлат харидларини режалаштириш ҳамда бюджет ва инвестиция жараёнларидаги режалаштириш, шунингдек хўжалик фаолиятини режалаштириш ўртасида ўзаро алокани таъминлашдан иборат бўлади.

Давлат харидларининг йиллик режа-жадвали бюджет буюртмачилари томонидан жорий йилнинг 25 марта га қадар маҳсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Келгуси йил учун давлат харидларининг йиллик режа-жадваллари корпоратив буюртмачилар томонидан жорий йилнинг 25 декабря га қадар маҳсус ахборот порталида жойлаштирилади.

Келгуси чорак учун давлат харидларининг чораклик режа-жадваллари давлат буюртмачилари томонидан жорий чорак охирги ойининг 25 санаасига қадар маҳсус ахборот порталида жойлаштирилади.

**30-модда. Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари**

Харид қилиш тартиб-таомилларини амалга ошириш турлари қўйидагилардан иборат:

электрон дўкон;

бошлангич нархни пасайтириш учун ўтказиладиган аукцион;

энг яхши таклифларни танлаш;

тендер;

тўғридан-тўғри шартномалар бўйича амалга ошириладиган давлат харидлари;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари билан рухсат этилган харидларнинг бошқа рақобатли турлари.

Харид қилиш тартиб-таомиллари электрон шаклда амалга оширилиши мумкин.

**31-модда. Давлат харидлари тўгрисидаги ахборот**

Давлат харидлари тўгрисидаги ахборот жумласига қўйидагилар киради:

давлат харидлари тўгрисидаги қонунчилик;

давлат харидларининг режа-жадваллари;

давлат харидлари тўгрисидаги эълонлар;

хужжатларнинг намунавий шакллари;

харид қилиш тартиб-таомилларида иштирок этиш учун зарур бўлган намунавий шартномалар;

давлат харидлари босқичларининг натижалари тўгрисидаги ахборот;

Шартномаларнинг ягона реестри;

Ягона етказиб берувчилар реестри;

Инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестри;

Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш бўйича комиссиянинг қарорлари;

давлат харидлари бўйича статистик ахборот.

Давлат харидлари тўгрисидаги ахборот маҳсус ахборот порталида эълон қилинади.

Давлат харидлари тўгрисидаги маълумотлар тўлиқ, холис ва ишончли бўлиши керак.

**32-модда. Баҳолаш мезонларига ва тартиб-таомилларига тааллукли қондалар**

Иштирокчиларнинг товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича давлат харидларига тааллукли бўлган таклифларини баҳолаш мезонларида:

нарх;

етказиб бериш базиси;

етказиб бериш муддатлари;

тавсифномалар ва сифат кўрсаткичлари;

эксплуатация килини (фойдаланиши) мулдати; тұлға на кафолатлар шартлары; мүайдян даврдаги эксплуатация килиншга, шу жумладан фойдаланиши даир харәкәтләр;

конунчилік талабларига зид бўлмаган бошқа мезонилар назарда туттилади.

Давлат буюртмачиси томонидан белгиланадиган давлат хариди шартларила иштирокчиларниң тақлифларини баҳолаш мезонилари, уларниң иисбий қиймати, баҳолаш тартиб-таомиллари доирасида баҳолаш мезониларини кўллаш тартиби бўлиши керак.

Иштирокчиларниң тақлифларини баҳолаш ва голибни аниқлаша давлат буюртмачиси факат харид килинш хужжатларидан кўрсатилган баҳолаш мезонилари ва тартиб-таомилларидан фойдаланади ҳамда бу мезонилар ва тартиб-таомилларини ушбу хужжатларда байв этилган тартибда кўллайди.

Давлат харидларини амалга оширишида экологик мухитни яхшилашга кўмаклашиш ёки атроф-мухитга бўлган салбий таъсирни камайтириши максадида иштирокчиларниң тақлифларини баҳолаш ва ижрочини аниқлаши жараёнида энергия самаралорлиги, табиий ресурслардан оқилюна фойдаланиши, экологик жижатдан мақбул материаллардан ҳамда иккимамчи хом ашёдан, кайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш каби мезонилардан ва харид килинаётган товарларининг (ишларниң, хизматларниң) экологик мақбуллигини баҳолашга оид бошқа оминалардан фойдаланишини мумкин.

#### 4. ТАНЛОВЛАР ГОЛИБИНИ АНИҚЛАШ

4.1. Талабгорлар орасида ишлар хизматлар (лойиха-смета хужжатларини ишлаб чиқиши, капитал ва жорий таъмирлаш ишлары) ишлаб чиқиши учун энг мақбул тақлиф голиб деб хисобланади.

4.2. Танлов ҳайъати аъзолари электрон равишда овоз берилади ва натижалари хакидаги маълумотлар маҳфий хисобланади ва ошкор эттига йўл кўйилмайди.

4.3. Танлов голиблари ҳайъат томонидан иштирок этиш истагини билдирган танлов қатнашчиларининг иштирокида эълон килинади.

4.4. танлов ҳайъат томонидан келиб тушган тақлифларга нисбатан кабул қилган қарори якуний хисобланади ва шартнома имзоланади.

#### 5. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ХУҶУҚЛАРИ

5.1. Танлов ҳайъати талабгордан давлат Буюртмачилигига кандай объектларда (лойихалаш, капитал ва жорий таъмирлаш ишларини) амалга оширганилиги ҳақида тасдиқловчи далилларни хужжат шаклида талаб килиншга ҳамда қонун хужжатларига асосан бошқа хуҷуқларга эга.

5.2. Танлов ҳайъати ўзининг қарори билан қуйндаги ҳолатлар бўйича:

- тақдим этилган хужжатлар танлов хужжатларининг талабларига мос келмагандан, нотўғри маълумот ва Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига зид бўлган ҳоллар аниқланганда;

- агар танлов предмети хисобланадиган ишлар ёки хизматларни бажариш билан боғлик бўлган фаолият Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатларига мувофиқ лицензияланиши керак бўлсада, талабгорнинг лицензияси бўлмаса;

- агар талабгорлар қайта ташкил этиши (бўлиниш, бирлашиш) тугатиши ёки банкротлик босқичида бўлган, мулки хатлаб қўйилган ҳолларда;

- муассислик хужжатлари, молиявий қатнашиш, ҳолдинг шаклида ва бошқа шаклларда ифодаланган бир-бири билан бевосита ташкилий-хуҷуқий ёки молиявий боғлик бўлган ҳоллар мавжуд бўлганда;

- талабгорни четлостишга ва тақлифларни кейинчалик ўрганмасдан танловдан четлаштиришга ҳақлидир.

5.3. Танлов ҳайъат танловларни ўтказиш жараёнида танлов иштирокчилари томонидан келиб чиқкан фикр-мулоҳаза ва талабларни 15 кунлик муддатдан ошиб кетмаган ҳолда кўриб чиқиб, қарор чиқариши ва жавоб йўллаш хуҷуқига эгадир. Танлов тартиботларидан келиб чиқкан келишмовчиликлар ва низолар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатларидан белгиланган тартибда кўриб чиқлади.

5.4. Танлов ҳайъати талабгор томонидан тақдим этилган хужжатининг таркиби бўйича изохлар билан тушунтиришлар киритишига йўл қўйишга ҳақлидир. Бунда тақлифнинг мазмунини, шу жумладан нархи ёки бажариш муддатини ўзgartирувчи тушунтиришлар берилишига йўл қўйилмайди.

5.5. Танлов ҳайъати қуйндаги ҳолларда:

- танлов ҳайъати томонидан белгиланган муддат якунига 2 тадан кам тақлиф келиб тушса;

- барча тақлифлар танлов хужжатлари шартларига мувофиқ бўлмаса;

- талабгорлар томонидан тақлиф этилган нархлар эълон қилинган бошлангич нархга нисбатан юкори бўлгандা;

- танлов ҳайъати томонидан асосланган бошқа ҳолатлар пайдо бўлса, ўтказилмаган деб хисоблашга ҳақлидир.

5.6. Танловнинг ўтказилмаган деб эълон қилиниши танлов ҳайъатининг мулкий ёки бошқа тусдаги жавобгарлигига олиб келмайди.

5.7. Танлов ҳайъати танлов тартиботлари бўйича ҳар қандай қарорга келиши мумкин, қачонки ушбу қарорлар тегишли қарорлар негизида бўлса.

## **6. ТАНЛОВ ҲАЙЪАТИНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

### **6.1. Танлов ҳайъати:**

- танлов тартиботининг босқичларида кворумсиз (танлов ҳайъати аъзоларининг сони етарли бўлмаганида), камчилик овоз билан ваёни танлов ҳужжатларининг талабларини хисобга олмасдан туриб танлов ҳайъати томонидан қарор қабул килиниши;
- талабгордан унинг малака маълумотларига мувофиқлигини тасдикловчи далилларни ҳужжатли шаклда тақдим этишнинг асоссиз талаб килиниши;
- таклиф мазмунини ўзгартирадиган тушунтиришлар ва тузатишларга йўл кўйилганлиги, шу жумладан нархлар ёки бажариш муддати ўзгартирилганлиги;
- танлов голибининг танлов ҳайъатининг очик маъжлисида аникланганлиги, танлов голибини эълон қилиш тартиботи бузилганлиги;
- танлов тартиботининг бошқача бузилишлари учун жавоб беради.

## **7. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР**

Мазкур иш тартиби танлов ҳужжатининг ажралмас кисмидир ва танлов ҳайъати томонидан кўриб чиқилгандан ва танлов ҳайъати раиси томонидан электрон шаклда тасдикланган вактдан бошлаб кучга киради.

Ўзбекистон Республикаси  
“Махсус проект” МЧЖ

ОЛОТ ТУМАНИ КЕСАКЛИ МФЙ ИЧКИ ХУЖАЛИК АВТОМОБИЛ ЙУЛИНИНГ  
0-1,160 КМ КИСМИНИ ЖОРИЙ ТАЪМИРЛАШ

Смета ҳужжатлари

Директор

О.Холлиев

ГИП

Ю.Мамарахимов



Нусха № \_\_\_\_\_

Йўқлама раками -2022

Бухоро 2022 й.

2022 йил

Олот тумани Дилкор, Кесакли, Оқ олтин, Жайхунобод, Солақорайул, Пичоқчи ва Буржоқ  
 МФЙлардаги ички йўлларни жорий таъмирлаш бўйича лойиха-смета хужжатларини тайёрлашга

**ТОПШИРИК**

Буюртмачи	“Олот тумани Ободонлаштириш бошкармаси”
Бажарувчи	ООО “Махсус проект”
Лойихалаш учун асос	Тендер – танлов асосида аникланган
Объектнинг жойлашган ўрини	Бухоро вилояти Олот тумани
Молиялаштириши манбани	Махаллий бюджет маблағлари
Таъмирлаш турни	Жорий таъмир
Қурувчи ташкилот	Тендер-танлов асосида аникланган
Лойихалаштириши боскичи	Бир боскич
Таъмирлашишларининг бошланиши ва тугатлаш	2022 йил
Объектнинг тахминий лойихавий куввати ва қиймати	Умумий тахминий узунлиги – 4.85 км, тахминий қиймати – 663.0 млн сум (узунлиги ва қиймати ЛСХ ишлаб чиқилгандан кейин аниклик киритилади)
Йўл мухандислик иншоотларининг мавжудлиги	Нуқсонлар қайдномасини тузиш жараёнида аникланниб, бажариладиган иш хажмлари ва турлари смета хужжатлари тузишда қўлланилади
Смета хужжатларини тайёрлашда фойдаланиладиган баъзи маълумотлар	Курувчининг бошка харажатлари – 12.5 %;
	Курилиш ишларини сугурталаш кабул қилинсин – 0 %
	Барча йўлларда таъмирлаш ишларини бажариш даврида транспорт қатнови тўхтатилади. (K=1,2 олинмайди)
	Иш ҳақи 14319.91 сўм киши/соат (сугурта бадалисиз) кабул қилинсин.
	Таваккалчилик коэффициенти қўлланилмасин.
Лойихалашнинг алоҳида шароитлари	Махаллий курилиш материалларидан фойдаланишга устуворлик берилиши ишчи войихада ишобатга олинсин. Шағал қум аралашмаси Жилвон конидан (1,85 г/см <sup>3</sup> - 66%) Махаллий кондан (1,37г/см <sup>3</sup> – 34%)
	Таъмирлашда ишлатиладиган машина-механизмлар ҳамда курилиш материаллари нархлари буюртмачи ташкилот томонидан тақдим қилинган маълумотномалар асосида қабул қилинсин.
Смета хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш	Лойиха смета хужжатлари ШНҚ 2.05.02-07 “Автомобил йўллари”, ҚМҚ 2.05.03- 11 “Кўприклар ва кувурлар”, ШНҚ 1.03.01-03, СНиП 1.04.03-85, СНиП III. 4-80. ГЭСН-2001 01.27.30 тўпламлари, амалдаги стандартлар ва техник шартлар асосида бажарилади
	Давлат экспертизасига тақдим қилишдан олдин буюртмачи назоратидан ўтказилсин. Курилиш давомида ЛСХ да кўрсатилган камчиликлар ва хатоликлар войихачи ташкилот зиммасига юклатилади.
Смета хужжатларини давлат экспертизасидан ўтказиш	Давлат экспертизасидан ўтказиш ва кўрсатилган камчиликлар лойихачи ташкилот томонидан ўз зиммасига олади ва бартараф этилади.
Смета хужжатини ишлаб иқишини тугатиш муддати ва алаблари	Шартномада кўрсатилади.
Стандартларга риоя қилиш алаблари	ШНҚ 2.05.02-07, ШНҚ 2.07.01-03 ва МҚН 46-2008 талабларига риоя қилинсин.
Ишириш – қабул қилиш ртиби	Смета хужжатлари ушбу техник топшириқ талабларига биноан қабул қилинади.  Смета хужжатлари амалдаги нархларда буюртмачи маълумотномасига асосан ҳисоблаб чиқилиши лозим.  Смета хужжатлари буюртмачига З нусхада босма (папкада) ва электрон (дискда) топширилади.

от туман Ободонлаштириш бошкармаси вакили :

иҳа ташкилоти вакили



Buxoro shahri, Moxi-xosa posyolkasi, A.Gijduvoniy ko'chasi 272 "A"- uy, tel, faks: (8-365) 228-52-35, tel: 228-53-03,  
e-mail: buxoromalakamarkaz@uzavtoyl.uz, buxyuluquvmarkaz@exat.uz  
ATIB Ipoteka bank, Buxoro vil. bo'l. h/r: 20210000900309645001, MFO 00088, STIR 200856511, XXTUT 66000.

Buxoro shahar

TASDIQLAYMAN»

Buxoro yo'l xo'jaligi xodimlari  
malakasini oshirish ilmy-tadqiqot  
ishlab chiqarish markazi UK bosh muhandisi

Sh.Sh Jumayev

19 sentyabr 2022 yil.

EXPERTIZA XULOSASI № 198/222

Олот тумани Кесакли мфй ичкни хужалик автомобил йўдидирикни кисмини жорий таъмирлантириш  
лойиха смета хужжатларига тақдим гардиши.

Буюртмачи:

“Олот туман Ободонлаштириш бошкармаси”

Молиялаштириш манбаси:

Давлат бюджети

Лойихачи ташкилот:

“Махсус Проект” МЧЖ

Курилиш ишларини амалга оширадиган

Танлов асосида.

ташкилот:

Таъмирлаш тури:

Жорий таъмирлаш.

1. Лойиха ишлари учун асос:

- Буюртмачи томонидан тасдикланган объектнинг техник – топшириғи.
- Белгиланган тартибда тайёрланган ва тасдикланган нуксонлар қайдномаси.

2. Экспертизага тақдим этилган хужжатлар.

- Смета-лойиха хужжатлари;
- Объект баҳоланганди хисоби: тақдим этилган нархи – 161 427,893 минг сўм (ҚҚС билан бирга).

3. Лойиха ечимининг кисқача мазмуни.

А) Объект манзили: Бухоро вилояти, Олот тумани

Б) Объектнинг Техник-топшрик нуксонлар қайдномаси ва лойиха-смета хужжатларига асосан жорий таъмирлаш йўл ишлари планировка площадей механизированным способом, группа грунтов 2, строительство оснований и покрытий из песчано-гравийных смесей однослойных толщиной 16 см. Лойиха-смета хужжатларида.

Экспертизага тақдим этилган Лойиха смета хужжатлари ЫНКлар ва соҳавий меъброй хужжатлар асосида сурсларни хисоблаш мётодида (применением ресурсном методом) тайёрланиб, лойиха баҳосини хисоблашда Олот туман Ободонлаштириш бошкармаси томонидан келишилган нархларга асосан, буюртмачи томонидан тасдикланган нархларга асосан, Иш хаки ғодам/соат. Материаллар нархи. Машина-механизм 1 маш/соати ва юкчиши 1 тонна/км харажатлари нархлари олинган. Буюртмачи томонидан курилиш ишларини амалга оширувчи ташкилот танлов асосида аникланиши инобатга олиб, нархлар тўғрисидаги маълумотнома Ўзбекистон публикаси курилиш вазирлигининг “Курилиш вазирлиги нархи каталогок” нархлари асосида хамда объект тархиниархонлаштириш оркали бюджет маблағларини иктисади килиш максадида ташниш харажатларини батга олган холда маҳаллий пудратчи ва таъминотчиларнинг каталогкага нисбаттан нархлари арzon бўлган тлардан фойдаланиб тузилган. Лойиха-смета хужжатларини тузишда Буюртмачини харажатлари ва икказчилик коэффициентлари инобатга олинмаган.

Экспертиза ўтказиш натижалари.

Сурсларни ишчи хужжатлари экспертиза

нидан кўриб чикилиб аникланган камчиликлар асосида куйндаги тузатишлар ва қўшимчалар киритилди:

• Лойиха смета хужжатларини текшириш вактида курлиш материаллари ташиш нархи туғриланди.

6.2 Объектнинг экспертизага тақдим этилган дастлабки баҳоси 161 427.893 минг сўм ККС билан. Буюртмачининг бошка харажатлариниз ташкил этиб, экспертизадан ўтказилгандан сўнг 4 436,525 минг сўмга камайтирилади 156 991,368 минг сўм ККС билан, Буюртмачининг бошка харажатлари инобатга олинмаган холда учи микдорни ташкил этди.

6.3 Шунни эътиборга олиш лозимки, Лойиха смета хужжатларини тузишдаги лойихада кўзда тутилган жор таъмирлаш ишларини ечиш(технологик тартиби) хамда хисобланган ишлар хажми микдори юзасидан лойи ташкилоти масъул хисобланади.

